# Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O‘ZBEKISTON OVOZI

XDP
O‘ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2012-yil, 23-mart. Juma • 38-39 (31.471) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Табиат уйғониб, баҳор нафаси тобора кучайиб, она заминимиз яшил либосга бурканиб бораётган шу ёруғ ва мунаввар кунларда сиз азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун Ўзбекистон халқини юртимизга кириб келаётган Наврўзи олам — янгиланиш ва яшариш байрами билан чин қалбимдан муборакбод этишдан бахтиёрман.

Наврўз айёми барчамиз учун шарқона янги йил дебочаси, серҳосиллик ва қут-барака ғоясини ўзида мужассам этадиган, бизнинг миллий табиатимиз ва қадриятларимиздан ажратиб бўлмайдиган, ҳар қандай сиёсатдан холи, энг қадимий, энг севимли байрамимиздир.

Бундан минг йиллар аввал, кўҳна «Авесто» яратилган замонларда ҳам бизнинг аждодларимиз бу дилбар фасл кунлари Сирдарё ва Амударё бўйларида, чексиз Туроннинг қишлоқ ва кентларида, дашту далаларда табиат билан тиллашиб, Наврўз нашидасини сурганлар, қўш ҳайдаб, далага дон сочиб, тинчлик-омонлик тилаб, янги орзу-ниятлар билан яшаганлар.

Наврўзи олам том маънода ўзининг руҳи ва ғоялари билан инсоннинг доимо она ер ва табиат билан ҳамнафас бўлиб яшаши, ҳар қайси одамнинг қалбида, унинг дини ва миллатидан қатъи назар, яшамоқ ва яратмоқ интилишларини уйғотиш, аҳиллик ва бирдамлик туйғуларини мустаҳкамлаш учун хизмат қилиб келмоқда.

Бунинг яққол исботи шу кунларда юртдошларимизнинг бағрини кенг очиб, табиатдан баҳра олиб, сумалак ва ҳалим, гўжа ва кўксомса каби баҳорий неъматлар тортилган дастурхонлар атрофида, яшил майдон ва кўкаламзорларда сайил-томошалар қилиб, Наврўз айёмини шоду хуррамлик билан кутиб олаётганида, нишонлаётганида намоён бўлмоқда.

Одамлар ўртасида меҳр-оқибат, шафқат ва мурувват, кексаларнинг дуосини олиш, кўнгли ярим, етим-есирларнинг бошини силаш, ногирон ва муҳтож оилаларга беминнат ёрдам бериш каби халқимизга мансуб ажойиб фазилат ва савобли ишлар ҳар қайси маҳалла ва гўшада ўзининг аксини топмоқда.

Наврўз фаслида турли низо ва адоватлар унутилади, ҳар қайси инсон ўз оила аъзоларини, қадрдонларини бағрига босиб, таниш-билишларини қутлаб, уларга соғлик-омонлик, тинчлик-осойишталик тилайди, осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлишини истайди.

Шу мунаввар дамларда халқимизнинг барча орзу-умидлари, қалби ва вужуди Наврўз руҳи ва ғояларига ҳамоҳанг, уйғун ва муштарак бўлиб ривож топаётганига она юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон яна ва яна бир бор иқрор бўлади.

Айнан шунинг учун бу бетакрор ва гўзал айёмни эл-юртимиз орзиқиб кутади, ўз соғинчларини ва орзу-истакларини, ёруғ чеҳрасини намоён этишга интилади.

Айнан шунинг учун Наврўзимизни ўтмиш ва яқин тарихимизда не-не мустабид тизимлар ҳар қанча уринмасин, биздан — ўзбек халқидан тортиб ололмади.

Ҳеч шубҳасиз, айтиш мумкин: аввало халқимизни ўз ота-боболарининг ўлмас қадриятларига, урф-одатларига бўлган садоқати, ирода ва қатъияти туфайли Наврўзи олам, мана, минг йиллар давомида юртимизда безавол, абадий яшаб келмоқда.

Бундай ориятли, ўзлигини, ўз қадр-қимматини юксак баҳолайдиган улуғ халқнинг фарзандлари, давомчилари эканимизни ҳис этиб, барчамизнинг қалбларимиз беихтиёр ғурур ва ифтихорга тўлади, десам, шу муҳташам майдонда тўпланган сиз, азизларнинг фикри-зикрингизни айтган бўламан.

Муҳтарам ватандошлар!

Узоқ давом этган қиш қаҳратонидан сўнг офтобнинг чароғон чеҳрасини кўриб, беғубор кўклам ҳавосидан нафас олар экан, ҳар бир одам худдики қайтадан туғилиб, ўзини, дунёни янгитдан кашф этаётгандек ҳис қилиши табиийдир.

Шу маънода, бу йилги баҳор фаслини ҳаммамиз ҳар қачонгидан ҳам соғиниб, интизорлик ва қувонч билан кутиб олаётганимиз — буларнинг барчаси мамлакатимизда «Мустаҳкам оила йили» деб ном олган 2012 йилда ҳам кўзланган марраларимизни албатта қўлга киритамиз, деган ишонч туғдиради.

Жорий йилда ҳам бошлаган эзгу ишларимизни, демократик ва эркинлаштириш ислоҳотларини давом эттириш, аҳолимизнинг даромади, пенсия, нафақа ва стипендияларини кўпайтириш ҳисобидан халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янги босқичга кўтаришга эришамиз, иншоолло.

Бу йилнинг юртимизга сернам келиши, кузда экилган экинларимиз тобора кучга тўлиб, бўй чўзаётгани, янги мавсумга чуқур тайёргарлик кўрганимиз, насиб этса, фидойи ва заҳматкаш бободеҳқонларимизнинг орзу-умидлари албатта ушалади, ҳосилимиз мўл бўлади, деб ишонч билдириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Халқимиз азал-азалдан ёшликни умр баҳори, деб таърифлайди, фарзандларига атаб ниҳол экиб, боғ яратади. Бугун Алишер Навоий бобомизнинг муборак сиймоси қад ростлаган шу азим боғда тўпланиб ўтирган, билаги кучга тўлиб, кўзлари ғайратдан ёниб турган, ҳеч кимдан кам бўлмасдан вояга етаётган ёшларимизга қарата қалбимдан, юрагимдан чиқадиган самимий туйғуларимни изҳор этмоқчиман:

Шу азиз ва муқаддас Ватанимиз сизларга, сизларнинг ҳар бирингизга ишонади.

Ана шундай юксак ишонч барчангизга мададкор бўлсин, куч-қувват берсин. Шу ишончга ҳамиша муносиб бўлинг, азиз фарзандларим!

Фурсатдан фойдаланиб, мана шу нурафшон ва шукуҳли айёмда бизга ҳамроҳ ва хайриҳоҳ бўлган, дўстлик қўлини узатган барча мамлакатлар ва халқларга, узоқ-яқин қўшниларимизга бағримизни кенг очиб, самимий салом ва табрикларимизни йўллаймиз.

Бугунги шодиёнамизда иштирок этаётган чет давлатларнинг муҳтарам элчилари ва халқаро ташкилотларнинг вакилларига, барча ҳамкор ва шерикларимиз, хорижий дўстларимизга миннатдорлик билдириб, уларни Наврўзи олам билан чин дилдан табриклашга ижозат бергайсиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Бугун мана шу гўзал ва бетакрор майдонда тўпланган сиз, қадрдонларимга, сизлар орқали бутун халқимизга яна бир бор чуқур ҳурмат-эҳтиромимни ва самимий тилакларимни билдирмоқчиман.

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Ҳар бир хонадоннинг дастурхони тўкин-сочин, ҳар бир оила мустаҳкам бўлсин!

Ҳар бир инсоннинг бахту саодати зиёда бўлсин!

Эл-юртимизни хавфу хатарлардан, бало-қазолардан Яратганнинг ўзи асрасин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!



## БУНЁДКОРЛИК, ЯНГИЛАНИШ ВА МЕҲР-МУРУВВАТ АЙЁМИ

### *Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтган Наврўз байрами тантаналаридан репортаж*

Баҳор ўзининг ҳарир либосига оҳиста ўраб, майин эпкинларда аллалаб, биз интиқ ва интизор кутган ардоқли байрамимиз Наврўзни олиб келди.

Бу айём нафақат оламга, балки руҳимизга ҳам янгиланиш олиб киради. Дарахт новдаларига тириклик суви югургани мисол кўзларимизга нур, қалбларимизга сурур, билакларимизга куч, юракларимизга муҳаббат инади. Айнан Наврўз фаслида табиатнинг бир бўлаги эканимизни янада теран англаймиз. Шу юрт фарзанди эканимиздан, халқимизга хос қадрият ва анъаналар нечоғли боқий ва сермазмун, миллий маданиятимиз нақадар бой эканидан ғурур ва ифтихорга тўламиз. Юртимиз тинч. Осмонимиз мусаффо. Фарзандларимиз соғ-саломат. Оиламиз мустаҳкам. Бир дунё орзулар билан эртани кутиб, келажакка ишониб, тўю-томошалар қилиш, янги уй-жойлар солиш, турмушини бекаму кўст этиш, Ватан тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш ниятида яшаётган халқимиз «Хуш келибсан ўлкамизга, Наврўзи олам, қадаминг қутлуғ бўлсин, юртимиздаги тинчлик-омонликка кўз тегмасин!» деб Наврўзга пешвоз чиқмоқда...

22 март. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи байрамона безатилган.

Бу ерга ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, фан, маданият, санъат, спорт соҳалари намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, ўқувчи ва талаба ёшлар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар вакиллари ташриф буюрган.

Соат 12.00. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келади.

Тадбир қатнашчилари давлатимиз раҳбарини қарсаклар билан кутиб олади.

Чорлов мусиқаси янграйди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилади.

Давлатимиз раҳбари барчани яшариш ва янгиланиш айёми билан қутлар экан, ўзининг маъно-мазмуни, кўрку тароватi, теран фалсафаси билан бошқа байрамлардан ажралиб турадиган Наврўз тимсолида халқимизнинг ўзига хос маънавияти, ўтмиши, асрий қадриятлари, миллий урф-одат ва анъана-удумлари тобора сайқалланиб, ривож топиб бораётганини таъкидлади.

...Янги кун бошланди. Саҳархез боболарнинг нуроний чеҳрасидан, дуогўй момоларнинг эзгу тилакларидан, тонгни бешик қучиб қаршилаган оналар алласидан бошланади бу кун. Саррин еллар қанотида, юртимизни ҳеч қачон тарк этмайдиган лайлаклар хаёлотида кириб келади у. Наврўз навоси янграйди. Халқимизнинг энг ардоқли байрами бошланади ва қанот қоқиб бутун юртимиз узра парвоз айлайди. Ватанимиз бўйлаб эсаётган бу муаттар насим ҳар бир хонадон, ҳар бир оила, ҳар бир қалбга кириб боради.

Муаззам майдон узра майин куй таралади. Кўклам соғинчи, табиатга ошуфталик, она заминга муҳаббат, севги ва садоқат, эртанги ёруғ кунларга ишонч ҳисси билан йўғрилган бу нафис оҳанг уни тинглаётган ҳар бир қалбнинг туб-тубигача етиб боради. Ана шундай сеҳрли наво оғушида майдон теграсидаги улкан мониторларда юртимизнинг ҳусн-малоҳатда тенгсиз табиати, бетакрор қадимий обидаларию замонавий меъморчилик анъаналари асосида қад ростлаган гўзал бинолар, шаҳар ва қишлоқларимизнинг бугунги кўрку тароватi, фидойи ватандошларимиз, йигит ва қизларнинг шижоатли қиёфаси намоён бўлади.

(Давоми 2-бетда.)

## НАВРЎЗ ҒОЯСИ

### ЎзХДП дастурий мақсадларига ҳамоҳангдир

**Шарбат АБДУЛЛАЕВА,**
*ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари:*

— Президентимиз Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида, одамлар ўртасида меҳр-оқибат, шафқат ва мурувват, кексаларнинг дуосини олиш, кўнгли ярим, етим-есирларнинг бошини силаш, ногирон ва муҳтож оилаларга беминнат ёрдам бериш каби халқимизга мансуб ажойиб фазилат ва савобли ишлар ҳар қайси маҳалла ва гўшада ўзининг аксини топаётганлигини таъкидлаб ўтди.

Шу жиҳатдан партиямиз дастурий мақсадлари Наврўзнинг азалий қадриятлари билан бевосита уйғунлиги, ҳамоҳанглиги партиямиз аъзоларига ўзгача қувонч бағишлайди, ўзига хос масъулият юклайди.

Шу ўринда, ЎзХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан партиямизнинг ижтимоий негизи бўлган ногиронлар, кам таъминланган оилалар ва нафақадаги кишилар ҳолидан хабар олиш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича қатор ишлар қилинмоқда.

Биргина Мустаҳкам оила йили муносабати билан барча ҳудудларда йил давомида «Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази» доирасида тадбирлар ташкил этилаётгани бу борадаги амалий саъй-ҳаракатимиз ифодасидир.

Эҳтиёжманд оилалар, ёлғиз кексалар ва жисмоний имкониятi чекланган инсонларга моддий ҳамда маънавий кўмак беришда мазкур лойиҳанинг аҳамияти катта. Жумладан, Наврўз байрами арафасида Фарғона ва Тошкент вилоятларида ташкил қилинган тадбирларда оилавий бизнесини йўлга қўймоқчи бўлган кишиларга тижорат банклари томонидан имтиёзли кредит олиш учун сертификатлар топширилди. «Маҳалла» хайрия жамғармаси туман бўлимлари кўплаб оилаларга моддий ёрдам кўрсатди. Бир сўз билан айтганда, бу лойиҳа аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашда маҳалланинг ўрнини мустаҳкамлашга замин ҳозирламоқда.

(Давоми 3-бетда.)

# БУНЁДКОРЛИК, ЯНГИЛАНИШ ВА МЕҲР-МУРУВВАТ АЙЁМИ

## *Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтган Наврўз байрами тантаналаридан репортаж*



Эрта тонгданоқ ораста шаҳар ва қишлоқларда, маҳаллаларда карнай-сурнай, ноғораю доира садолари янграйди. Жарчилар элу юртни Наврўз сайлига чорлайди. Кўчаларни тўлдириб бораётган одамлар қалбидаги шодумонлик уларнинг юз-кўзларида акс этади. Набирасини етаклаган отахонлар, кайвони онахонлар, атласларда ял-ял ёниб келаётган қиз-жувонлар, сочларига толбаргак таққан қизалоқлар, нигоҳлари осмонларда ҳаволанаётган варракларга қадалган болакайлар, белида белбоғи бор бўз йигитлар — барча-барча Наврўз сайлига ошиқади.

Наврўз — меҳр-оқибат, одамийлик, хайр-мурувват айёми. Халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган бундай эзгу фазилатлар барча анъана ва удумларимизда, марака ва маросимларимизда, айниқса Наврўз фалсафасида янада теран намоён бўлади. Маҳалла-кўй, эл-юрт ҳамжиҳатликда ҳашарга отланади. Ариқ-зовурлар тозаланади. Ҳаммаёқ — кўча ва гузарлар, зиёратгоҳ ва қабристонлар тартибга келтирилади. Илдизлари миллий маънавиятимизнинг кўҳна сарчашмаларига туташ ҳашар кунида кенг миқёсдаги ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш юмушлари бажарилади. Наврўз кунларида эл-улус бир бўлиб кўмакка муҳтож кишиларга беминнат ёрдам беради. Беморлардан ҳол-аҳвол сўралади. Табаррук кексаларнинг дуоси олинади. Гина-кудуратлар унутилиб, биродарлик ришталари мустаҳкамланади. Қўни-қўшнилар бир-бирларига Наврўзнинг тансиқ таомларини илинадилар.

Президентимиз таъбири билан айтганда, кимки халқимизнинг меҳрибонлиги ва бағрикенглигининг ёрқин ифодаси бўлмиш ана шундай ноёб одатларимизнинг намойишини кўрса, уларнинг чуқур инсоний маъносини англаса, ҳайратда қолиши муқаррар.

Бу ҳайрат халқимизнинг ўзлигидан, ўтмишию бугунидан, буюк келажагидан, миллий қадриятларни неча-неча асрлар давомида безавол асраб-авайлаб, сақлаб, қадрлаб келаётганидан, фарзандларини-да ана шу руҳда тарбиялаб вояга етказаётганидан уйғонади.

Бу ҳайрат истиқлолнинг учинчи ўн йиллигига қадам қўйган халқимизнинг бетимсол бунёдкорлик салоҳиятидан, мамлакатимизда кечаётган ўзгаришу янгиланишлардан, шаҳар ва қишлоқларимизда қад ростлаётган бирбиридан гўзал биноларимиздан, иқтисодий, ижтимоий, маънавий соҳаларда эришаётган ютуқларимиздан, юртимизни турли балою офатлардан, халқимизни ғаму кулфатдан эсон-омон сақлаб келаётган Юртбошимизнинг маънавий жасорати ва қатъиятидан туғилади.

...Мовий кўкда шўх қанот қоқаётган қушлар чуғури саррин эпкинларда оҳиста тебранаётган ораста гуллар, бош кўтараётган жамики жонзот ва мавжудот, димоққа урилаётган тупроқ ҳиди билан уйғунлашиб кетгандай гўё. Бутун табиатда бўлгани каби муаззам майдонда ҳам ажиб уйғониш палласи бошланади. Майдон теграсида ҳилпираётган турфа байроқлар атрофдаги анвойи рангларга қўшилиб кетади. Кўкда тебраниб турган улкан ҳаво шарлари дилларга завқ бағишлайди. Саҳна айланасидаги рангин чечаклар офтоб нурларида сирли жилоланади.

Юракларни сел-симоб қилиб мумтоз наволар янграйди. «Новдаларни безаб ғунчалар, тонгда айтди ҳаёт отини...»

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ҳар бир йилга аниқ ном берилиб, шу асосда махсус давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш яхши анъанага айланди. 2012 йил юртимизда Мустаҳкам оила йили, деб эълон қилинди.

Давлатимиз раҳбари истиқлолнинг илк йиллариданоқ миллий маънавиятимизнинг мустаҳкам қўрғони ҳисобланган оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, ижтимоий ҳимоя қилишга, фаровонлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Юртбошимизнинг «Бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзод ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди», деган сўзлари замирида миллий ғоямизнинг бош мақсадларидан бири — соғлом ва баркамол авлодни камолга етказиш мақсади мужассам.

Оилалар мустаҳкамлигининг асосий омилларидан бўлмиш она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, оммавий спортни, хусусан болалар ва хотин-қизлар спортини ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Бу борада амалга оширилган барча чора-тадбирлар, саъй-ҳаракатлар, соғлом оилани шакллантириш орқали соғлом авлодни дунёга келтириш ва тарбиялашга йўналтирилгани яхши аён.

Соғлом оила — соғлом жамият демакдир. Шу боис мамлакатимизда турмуш қураётган ёшларни никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтказиш тизими жорий этилди.

Ўтган йиллар мобайнида «Соғлом она — соғлом бола» концепцияси асосида улкан ишлар амалга оширилди. Мамлакатимизда аҳолига бепул, юқори малакали шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича мутлақо янги тизим — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг вилоят ва туман филиаллари ташкил этилди. Бугун 3200 дан зиёд қишлоқ врачлик пункти одамлар саломатлигини самарали муҳофаза қилмоқда. Ушбу муассасаларни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ва малакали кадрлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Деярли барча вилоятларда она ва бола перинатал ҳамда скрининг марказлари фаолият кўрсатмоқда.

Амалга оширилаётган бундай ишлар натижасида кейинги ўн йилда ижтимоий хавфи катта бўлган касалликларга чалиниш, жумладан, туғма нуқсонлар билан туғилиш ҳолатлари 32,4 фоиз камайди.

2011 йилда 5,9 миллион нафар хотин-қиз тиббий кўрикдан, қарийб 150 минг ҳомиладор аёл скрининг текширувидан ўтказилди. Қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган 243 мингдан ортиқ ҳомиладор аёл поливитаминлар билан бепул таъминланди. Болаларни юқумли касалликларга қарши эмлаш даражаси қарийб 100 фоизни ташкил этди.

Мамлакатимизнинг соғлиқни сақлаш соҳасида эришаётган ютуқлари жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилмоқда. Жумладан, Тошкентда 2011 йил ноябрь ойида бўлиб ўтган «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: «Соғлом она — соғлом бола» мавзуидаги халқаро симпозиумда иштирок этган Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Бош директори Маргарет Чен хонимнинг «Президент Ислом Каримов томонидан эълон қилинган «Соғлом она — соғлом бола» тамойилининг ҳаётга татбиқ этилиши бугунги ва келажакда баркамол авлодни тарбиялаш борасидаги энг тўғри йўл бўлиб, ҳар бир одамнинг ва бутун аҳолининг саломатлигини таъминлашнинг кафолатидир. Ўзбекистоннинг соғлиқни сақлаш модели бошқа кўплаб мамлакатлар учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин», деган сўзлари ушбу фикрнинг тасдиғидир.

...«Буюк оиладир аслида Ватан, буюк оиламиз мустаҳкам бўлсин!» Шоирнинг бу сатрлари замирида истиқлол туфайли ўз тараққиёт йўлини ўзи танлаган, ҳеч кимдан кам бўлмаган халқимизнинг ёруғ келажагига — эзгу ниятларимиз ижобатига қатъий ишонч мужассам. Буюк оиламиз — Ватанимиз мустаҳкамлиги, қудрати фарзандларимиз саломатлиги, жисмоний ва маънавий камолоти билан чамбарчас боғлиқдир. Бу борада спортнинг алоҳида ўрни бор.

Бугун шаҳар ва қишлоқларимизда болалар спортини изчил ривожлантириш мақсадида юзлаб замонавий спорт мажмуалари ва стадионлар бунёд этилмоқда. 2011 йилда 130 спорт иншооти қуриб битказилди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилганидан буён мамлакатимизда қарийб 1500 дан зиёд спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди.



Бундай эзгу саъй-ҳаракатлар самарасида мамлакатимизда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган ўқувчилар ўртасида спорт билан шуғулланувчилар 2008 йилдаги 29,2 фоиздан 2011 йилда 34,9 фоизгача, жумладан, қизлар ўртасида 24,1 фоиздан 31,4 фоизгача ошди.

Қизларни спортга кенг жалб этиш, уларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш болалар спортини ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан биридир. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётган «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида ҳам қизларни спортга жалб этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Дастурга мувофиқ 8 Март — Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида юртимизнинг барча ҳудудларида минглаб спортчи қизларга Президент совғалари — спорт кийимлари топширилди.

...Майдонга ўзбекнинг бахтли болалари, гулғунча лолалари, она юртнинг баҳори — тошқин шалолалари кириб келади. Юзларида самимият ва беғуборлик балқиган ўғил-қизларнинг шодон кулгуси, жарангдор куй-қўшиқлари барчани болаликнинг сирли оламига етаклайди. Уларнинг шўх-шодон кулгуларидан дилимиз яйрар экан, табиат уйғонишининг ёшлик фасли билан нақадар узвий ва чамбарчас боғлиқлигини янада теранроқ ҳис этамиз. Халқимиз бежиз ёшликни умр баҳорига менгзамайди.

Давлатимиз раҳбари айтганидек, барча эзгу ниятларимизнинг марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси мужассам.

Баркамол авлод орзуси — энг олий орзу. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳар бир иш, жорий этилаётган кенг кўламли ислоҳотлар замирида мана шу олижаноб орзу мужассам. Ўзбекистон ёшларининг шижоати, ақлу заковати, жисмоний ва маънавий камолоти, ҳаракат ва интилишлари эзгу мақсадларимизга эришишнинг бош омилидир.

Баркамол авлод камолотида таълим алоҳида ўрин тутади. Пойтахтимизда шу йил бўлиб ўтган «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти» мавзуидаги халқаро конференцияда иштирок этган Осиё тараққиёт банки президенти Харухико Курода таълим соҳасида амалга ошираётган ишларимизга юксак баҳо берар экан, жумладан шундай деди: «Ишончим комилки, таълим соҳасига йўналтирилаётган катта ҳажмдаги инвестициялар Ўзбекистоннинг энг илғор мамлакатлар қаторидан жой олишига замин яратади. Ўзбекистоннинг таълим модели энг замонавий талабларга жавоб берадиган таълим муассасалари барпо этиш билангина чекланмайди. Ушбу модель, аввалambор, сифатга, яъни ўқитувчилар, ўқувчилар, талабалар, ўқув дастурлари ва пировард натижада билимлар сифатини оширишга асосланган. Бундан ташқари, глобаллашув билан боғлиқ эҳтиёжлар ҳам ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган мазкур таълим модели Ўзбекистоннинг Осиёда, умуман, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш воситаси бўлиб хизмат қилади».

Наврўз наинки меҳр-оқибат ва саховат, бағрикенглик ифодаси, балки ўтган кунларга шукроналик, эртанги ёруғ келажакка ишонч, асрий анъаналарга садоқат тимсоли ҳамдир.

Шу нуқтаи назардан бугун мамлакатимизда буюк боболаримиз асрлар давомида яратган бой маънавий ва маърифий меросни, миллий қадриятларимизни янада бойитиш ва уларни умуминсоний қадриятлар билан уйғун ҳолда ривожлантириш, халқимизни, айниқса, ёш авлодни ана шу руҳда тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳамон давом этаётган глобал муаммолар оқибатида жаҳон иқтисодиётида юзага келган мавҳум бир шароитда илғор ахборот-компьютер технологиялари билан жиҳозланган, ёшларимизга миллий ва хорижий ахборот-кутубхона фондларидан кенг фойдаланиш имконини берадиган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси — замонавий ахборот-ресурс маркази ва Симпозиумлар саройини ўзига қамраб олган Маърифат марказининг қуриб битказилиши миллий маънавиятимизни юксалтиришга қаратилган юксак этиборнинг яна бир ёрқин намунаси бўлди.

...Фольклор-этнографик ансамблларнинг чиқишларида, турфа рақсларда, халқ ўйинларида кўп минг йиллик тарихга эга, гўзал ва бетакрор байрамимизнинг ноёб қирралари ўз аксини топади. Бу қутлуғ айёмнинг кишиларни бирлаштирувчи, дилларни дилларга боғловчи ҳаётбахш кучи янада ёрқин намоён бўлади...

Биз юксак технологиялар, глобал ахборот асрида яшаяпмиз. Ҳар куни бир янгилик, бир янгиланиш гувоҳи бўламиз. Мамлакатимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Катта иншоотлар, равон йўллар ва кўприклар, гўзал хиёбонлар, замонавий таълим муассасалари, боғ ва боғчалар, янги қишлоқлар бунёд этилмоқда. Юртимизнинг турли гўшаларида амалга оширилаётган бундай оламшумул ўзгаришларда тараққиёт, фаровонлик сари дадил одимлаётган халқимизнинг метин иродасини, қалб кўрини, бунёдкорлик салоҳиятини кўрамиз.

Тошкент ва Самарқанд орасидаги 344 километр масофани атиги 2 соатда босиб ўтадиган, юқори тезликда ҳаракатланадиган «Afrosiyob» йўловчи электр поездлари қатнови йўлга қўйилиши Ватанимиз тараққиётидаги яна бир муҳим қадам бўлди.

...Байрам тантанаси янада қизийди: ҳофизу хонанда, ўланчию лапарчи, дорбозу масхарабозлар — ҳамма ўз санъатини намойиш этмоқда. Мовий осмонга туташиб кетган бепоён кенгликларда сайллар, улоқ-кўпкари, пойгалар бошланади. Қир-адрларда кураш, арқон тортиш, тош кўтариш, мерганлик баҳслари қизигандан қизийди. Дошқозонларда қайнаётган сумалак ва ҳалим ҳиди димоқни қитиқлайди. Қайси кўчага кирманг, кўк сомсаю турфа хил ширинликлар ифоридан иштаҳангиз очилади.

Юртимизда янги иш жойлари ташкил этиш, айниқса, ёшларни ва хотин-қизларни иш билан таъминлаш, улар учун даромад манбаларини яратиш орқали турмуш фаровонлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2011 йилда мамлакатимизда яратилган бир миллионга яқин иш ўринларининг 68 фоиздан кўпроғи қишлоқ жойларида ташкил этилди. Иш ҳақи 20,2 фоиз, бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендиялар миқдори эса 26,5 фоиз ўсди. Аҳолининг реал даромадлари йил мобайнида 23,1 фоиз ортди.

Наврўз томошалари кўтаринки руҳда давом этади. Санъат усталари, эстрада юлдузлари, ёш ижрочиларнинг она Ватанни, истиқлолни, Наврўзни, баҳор ва муҳаббатни мадҳ этган куй, қўшиқ ва рақслари қалбларни жунбушга келтиради. Куйлар қўшиқларга, қўшиқлар жозибали рақсларга уланади...

Аждодларимиз янги меҳнат йилини айни Наврўздан бошлаганлар. Деҳқонларимиз айни шу паллада эл-юрт дастурхони тўкин бўлсин, деган яхши ниятда ерга барака уруғини сочганлар.

Деҳқон борки, зироатчиликда қулай келган йилни эсламайди. Гоҳ қурғоқчилик, гоҳ жала, баъзан бевақт тушган совуғу кутилмаган жазирама уни жиддий синовларга дуч қилади. Мураккаб об-ҳаво ва иқлим шароити туфайли вужудга келган муаммо ва қийинчиликларга қарамасдан, миришкорларимизнинг фидокорона меҳнати туфайли 2011 йили қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш шартнома мажбуриятлари ортиғи билан уддаланди: 6 миллион 800 минг тонна ғалла, 3 миллион 500 минг тоннага яқин пахта, 8 миллион 200 минг тоннадан ортиқ сабзавот ва полиз, қарийб 3 миллион тонна боғдорчилик маҳсулотлари етиштирилди.

...Қишнинг қорли-қировли кунлари, узундан-узоқ тунларидан зериккан, қуёш тафтини соғиниб, илиқлик истаган қалблар далаларга интилади. Қорлар эриб, кўклам либосига бурканган қир-адирларда баҳор элчилари — бойчечаклар бодрайди, чучмомалар бош кўтаради, қўзигуллар кўзни қувонтиради. Ариқ лабларида ям-яшил ялпизлар бўй кўрсатади. Осмонда арқон солиб турналар учади.

Дилбар куй-қўшиқ ва рақслар самога сочилган рангин мушакбозликка уланиб кетади...

Юртимиз бўйлаб Наврўз нашидаси кезмоқда. Шаҳар ва қишлоқларимизда, бепоён дашту далаларда Наврўз сайли, байрам шодиёналари давом этмоқда.

**Воҳид ЛУҚМОН,**
**ЎзА шарҳловчиси.**



Сарвар ЎРМОНОВ, Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

# ҲАМЖИҲАТЛИК
## фаровонликка хизмат қилади

**Алия ЮНУСОВА,**
*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси.*



**Наврўз шукуҳи уфуриб турган шу дилбар, уйғониш фаслида инсон табиат билан янада яқин бўлишга, оиласи, дўстлари ва ён-атрофдаги одамларга ҳар қачонгидан кўпроқ меҳр ва эҳтиром кўрсатишга интилади. Байрам дастурхони атрофида сумалак, ҳалим ва кўк сомса каби баҳорий таомлар баҳам кўрилади. Маҳалла-кўй, эл-юрт билан аҳил-иноқ бўлиб, кўмакка муҳтож кишилар, ногирон ва беморларга ёрдам беришга ошиқади, табаррук кексалар дуосини олсам, дейди. Бу азал-азалдан халқимизга хос фазилат.**

Шу маънода, Наврўз ҳаётнинг яхши томонлари, одамларнинг эзгу фазилатларини акс эттирадиган кўзгуга ўхшайди. Унда меҳр-оқибат, мурувват, дўстлик, аҳиллик, миллатлараро ҳамжиҳатлик каби барча удумлар, инсоний матлаблар мужассам. У яшариш ва янгиланиш айёми. Шу боис, қут-барака, фаровонлик, тўкин-сочинлик, бахт-саодат олиб келсин, деб яхши ният қилинади.

Шу тобда йилимизнинг «Мустаҳкам оила йили» деб номланиши хаёлимдан ўтмоқда. Ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, турмуш шароитини яхшилаш, шу орқали аёллар оғирини енгил қилиш давлат ва жамият олдидаги энг муҳим вазифа этиб белгилаб қўйилди. Бу сиёсат замирида ҳам Наврўзи оламга хос бир ҳиммат ва саховат яширин. Бу айниқса, биз оналарнинг кўнглини тоғдек кўтарди.

Президентимизнинг «Мустаҳкам оила» йили Давлат дастури тўғрисида»ги Қарорида бу борада аниқ чора-тадбирлар белгилаб берилган. Унинг ижроси ҳар бир оила мустаҳкам бўлишига, аҳил-тотувлик ва фаровонликка хизмат қилади. Юртимиздаги ҳар бир киши, у раҳбарми, депутатми ёки оддий ишчими қатъи назар, бу эзгу ишда бир тан-бир жон бўлиши лозим. Наврўз айёми ана шу ишларга қанот бағишлайди, юрт ободлиги йўлида бизни ҳамжиҳат бўлишга ундайди.

# НАВРЎЗ ҒОЯСИ
## ЎзХДП дастурий мақсадларига ҳамоҳангдир



**Иброҳим ЁҚУБОВ,**
*ЎзХДП Сурхондарё вилоят кенгаши раиси, вилоят Кенгаши депутати:*

— Наврўз муносабати билан кўплаб тадбирлар ўтказдик. Электорат вакиллари, партия фахрийлари учун жойларда байрам кечалари ташкил этдик. Учрашувларда ЎзХДП сафига кириш истагида бўлган 30 нафарга яқин ёшларга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Бундан ташқари, туман ва шаҳар партия кенгашлари билан Термиз шаҳридаги кўплаб маҳаллаларда имконияти чекланган кишилар хонадонида бўлдик, уларнинг ҳолидан хабар олдик, байрам совға-саломлари топширилди.

Депутатларимиз билан бирга, Термиз туманидаги «Дўстлик» маҳалласида яшовчи ногирон Шуҳрат Холмўминов, «Наврўз» маҳалласида истиқомат қилувчи Каромат Раҳимова ва Шоира Шаропова хонадонида бўлиб, давлатимиз ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга муносиб турмуш шароитини яратиб бериш учун қилаётган ишлар ва имкониятлар ҳақида суҳбатлашдик. Очиғи, одамларнинг юз-кўзидаги, сўзидаги шукроналик бизни қувонтирди. Ғулом Даминов, Садриддин Отақулов, Чори Жумақулов каби фаол депутатларимиз ўзи сайланган округларида байрам тадбирлари ташкил этишга бош-қош бўлишди.



**Камолиддин АКРОМОВ,**
*ЎзХДП Олмазор туман Кенгаши раиси:*

— Биз учун Наврўз айёми ҳар йили тумандаги махсус мактаб-интернат, Меҳрибонлик ва мурувват уйларидан бошланади. Бу муассасалар тарбияланувчилари учун турли кўнгилочар тадбирлар, хайрия концертлари уюштириш, ҳомийлар кўмагида уларга совға-салом улашиш анъана тусига кирган.

Биз 106-заиф эшитувчи болалар махсус мактаб-интернатини ўз оталиғимизга олганмиз. Бу ерда ўтказган тадбирларга таниқли актёрлар, эстрада хонандаларини таклиф қиламиз. Бундай вақтда ҳомийлар тарқатган ўқув қуроллари, спорт анжомлари ва турли-туман ширинликлар уларга олам-олам қувонч бағишлайди. Бундан ташқари, тумандаги 1-мурувват ҳамда 24-Меҳрибонлик уйларига болалар ўйинчоқлари, кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга эса ҳомийлар ёрдамида озиқ-овқат маҳсулотлари тақдим этилди.



**Қизларгул АБДУЛЛАЕВА,**
*Хонқа тумани «Томадургадик» қишлоқ фуқаролар йиғинидаги ЎзХДП ҳудудий ташкилоти етакчиси:*

— Қишлоғимиз аҳолиси 15 мингдан зиёд. Наврўзни катта-ю кичик зўр қувонч билан нишонламоқда. Айём муносабати билан ғайратли, шижоатли ёшлар ўртасида турли спорт мусобақалари, халқ ўйинлари, қизиқарли томошалар ўтказилмоқда.

Қишлоғимизда 60 нафарга яқин боқувчисини йўқотган ва кам таъминланган оилалар, 100 нафардан зиёд ногиронлар яшайди. Байрам арафасида ҳудудий партия ташкилот фаоллари 50 дан ортиқ хонадонда бўлишди, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга ёрдам кўрсатиб, уларнинг кўнглини кўтаришди. Наврўз айёмига бағишлаб ташкил этилаётган хайрли тадбирларда партиямиз фаоллари бош-қош бўлаётгани бизни қувонтиради.

**Олмос ЗАФАРОВ,**
*ЎзХДП Жиззах шаҳар кенгаши «Истиқбол ёшлар қаноти» етакчиси:*



— Ёшлигимдан сиёсий билимларимни оширишга ҳаракат қиламан. Шу боис, «Ёш сиёсатчи» танловида иштирок этиб, Республика босқичида ғолиб бўлдим. Наврўз байрами арафасида «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчиси этиб сайландим. Табиийки, зиммамдаги масъулият янада ошди.

Партиямиз аҳоли орасида ўз дастурий мақсадларини тарғиб этишда кенг дунёқараш ва юқори интеллектуал салоҳиятга эга фаол ёшларга таянади. Шу боис, партиямиз сафида ёшлар сони тобора ортиб бораётир.

Биз Наврўз аёми нишонланаётган шу кунларда ёшлар ўртасида миллий ўйинлар ва спорт мусобақалари уюштиряпмиз. Депутатлар билан ҳамкорликда кам таъминланган оилалардан хабар олаяпмиз.

**Лазиза ШЕРОВА,**
**Нурали ОРИПОВ ёзиб олди.**

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Интернет-табрик

# БАЙРАМНИ ҲИНДИСТОНДА КУТИБ ОЛДИК

**Даврон ТЎХТАБОЕВ,**
*Ҳиндистоннинг Карнатака штатида жойлашган Майсур университетида тижорат-савдо йўналиши бўйича таҳсил олади:*



— 1992 йил Андижон вилояти Избоскан туманида туғилганман. 2011 йилда Ҳиндистон Консуллигининг «Ҳинд-Ўзбек маданий алоқалар» дастури бўйича грант соҳиби бўлиб, хорижда ўқиш имкониятига эга бўлдим. Мен таҳсил олаётган штатда Ўзбекистондан уч кишимиз холос. Озчилик бўлишимизга қарамасдан миллий байрамларимизни бу ерда биргаликда нишонлаймиз. Бу йилги Наврўзни ҳам кўтаринки кайфиятда ўтказишни режалаштиряпмиз. Ҳаммамизга маълумки, Наврўз фақат Ўзбекистонда эмас, балки кўпгина давлатларда ҳам байрам қилинади. Шуни ҳисобга олиб, байрамни талабалардан иборат турли миллат вакиллари билан нишонламоқчимиз. Минг афсуслар бўлсинки, бу ерда сумалак ёки кўк сомса тайёрлашнинг иложи йўқ. Лекин бунақа байрамлар бизнинг шоҳ таом, яъни паловсиз ўтмайди. Ва албатта бу ош «анжанчасига» бўлади.

Умримда биринчи марта Наврўзни бошқа жойда кутиб оляпман. Барибир юртимизга етмайди. Сумалак атрофида ўйнаб, баҳор таомларидан татиб, оила, маҳалла даврасида нишонлаганнинг гашти бошқача-да. Гулрух (ўзбекистонлик магистрант)нинг айтишига қараганда, улар ўтган йили ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, тожиклар ўзларининг миллий таомларидан тайёрлаб, бир дастурхон атрофида йиғилиб, Наврўзни байрам қилишган экан. Деҳлидаги дўстимнинг гапларига кўра, у ерда Ўзбекистоннинг Ҳиндистондаги элчихонаси томонидан Наврўз байрами ўтказилади. Буни эшитиб уларга ҳавасим келди. Наврўзни юртимиз нафаси уфуриб турган гўшада нишонлашга нима етсин?!

Шу ўринда бир воқеа ёдимга тушди. 2009 йил Тошкентда Наврўзга бағишланган «Миллий одат, урф-анъаналар» фестивалида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети қошидаги Шайхонтоҳур академик лицейи номидан қатнашиб, жамоамиз билан фахрли олий ўринни қўлга киритгандик. Ўшандаги қувонч ва ҳаяжонларимни сўз билан ифодалай олмайман.

Кириб келган Наврўз байрами билан барча юртдошларимни чин қалбимдан қутлайман. Барчани йил бўйи баҳорий кайфият тарк этмасин. Оилаларга тинчлик, дастурхонларга қут-барака тилайман. Барча-барча ушбу байрамни меҳрга тўла қалблар билан ҳамжиҳатликда ўтказишини истайман. Яна бир бор Наврўз айёми муборак!

**Темур ХУДОЙБЕРДИЕВ тайёрлади.**

# МАЪНАВИЯТИМИЗ КЎЗГУСИ

**Кечагидек эсимда, бу воқеа 1980-йилларнинг ўрталарида бўлган эди. Қишлоқ оқсоқоллари йиғилиб, Наврўзни катта тантана қилиб нишонлаймиз, деб қарор қилишди. Бошқалар қатори мени ҳам чақириб, ташкилий ишлар билан боғлиқ топшириқ беришди. Кимдир буғдой келтирди, бошқалар озиқ-овқат харажатларини ўз зиммасига олди. Болалар қувончини айтмайсизми, бири варрак ясаган, бошқаси чавгон ўйинига жамоа тузган... Хуллас, бутун қишлоқ аҳли байрамона кайфиятда эди. Шу пайт тумандан бир вакил келиб, Наврўз бўлмаслигини айтиб қолди. Ҳамманинг тарвузи қўлтиғидан тушди. Ахир буғдой ундириб қўйилган, сумалакка дошқозонлар осилган эди...**

Шукрки, мустақиллик туфайли халқимизнинг азалий урф-одатлари, қадрияти, маънавияти ўзига қайтди. Наврўз умумхалқ байрамига айланиб, катта кўтаринкилик ва тантана билан нишонланаяпти. Асрлар давомида асраб, ардоқлаб келинган бу байрамнинг ҳаётимиздаги аҳамияти ва қадри тобора ошиб бораётгани, қувонарли, албатта.

Сўнгги йилларда Фарғона шаҳрида Президентимиз ташаббуси билан улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Шаҳримиз мутлақо янги ва замонавий қиёфа касб этди. Баҳор байрами муносабати билан шаҳар ва қишлоқларда ободонлаштириш кенг қулоч ёйди ва кўкаламзорлаштириш ишлари ўтказилди. Барча бир ёқадан бош чиқариб, улуғ айёмга катта тайёргарлик кўрди.

Бир сўз билан айтганда, 2012 йилнинг Наврўзи чин маънода умумхалқ байрами тусини олди. Ёшу қари шоду хуррам, чексиз хурсандчилик билан йил бошини кутиб олди.

Шуни ҳам айтиш керакки, Наврўз удумлари партиямиз ғоявий мақсадлари билан ҳамоҳангдир. Байрам тантаналари давом этаётган шу кунларда партиямиз фаоллари, депутатлар ижтимоий ёрдамга муҳтож кишилар, қариялар ҳолидан хабар олиб, байрам совғалари улашмоқда. Халқимиздаги юксак меҳр-оқибат, бағрикенглик, инсонпарварлик фазилатлари Наврўздан олинган, деб ўйлайман.

**Абдулбоқи ШАРОПОВ,**
**Халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоси.**

# ЯНГИ КУН – ЯНГИ ОРЗУЛАР

**Сирдарё туманидаги ҳар бир қишлоқ ва маҳаллада Наврўз катта тантана билан нишонланаяпти. Байрам тадбирларини ўтказишда депутатларимиз ҳам фаол иштирок этмоқда.**

Туманимиз аҳли кўп миллатли. Ўзбек, тожик, азербайжан, қозоқ, корейс ва бошқа миллат вакиллари — аҳил-иноқ яшаб келмоқда. Наврўз уларни янада бир-бирига яқинлаштиради. Қайси маҳаллага борманг, сумалак қайнамоқда, нуроний онахонлар юртимизга файз-барака тилаб, дуога қўл очган. Дастурхон баҳор таомлари билан безалган. Турли миллат вакиллари ўзларининг миллий фольклор ва этнографик куй-қўшиқлари билан дилларни хушнуд этаяпти.

Одамлар қандай яшаётгани, турмуш даражаси, орзу-умидлари мана шу улуғ кунларда ёрқин намоён бўлади.

Байрам муносабати билан хонадонларни айланамиз, ҳамма хурсанд, бир-бирига омонлик, соғлик тилайди. Ҳар бир оила ҳовлисида яхши ният билан хилма-хил мевали дарахт кўчатлари экилаяпти, томорқалар янги экинларга тайёрланмоқда.

**Маҳмуд АҲМЕДОВ,**
**ЎзХДП Сирдарё туман кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати.**



**Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишларининг ёрқин мисолини бизнинг Боғот туманида ҳам кўриш мумкин. Авваллари, қишлоқларда хом ғиштдан тикланган магазин билан мактабдан бошқа кўримли иморат бўлмас эди. Ўтган йиллар ичида қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгарди. Шаҳар ва туман марказларидан қолишмайдиган бўлди. Кўркам касб-ҳунар коллежлари, умумтаълим мактаблари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш марказлари, тўйхоналар, маҳалла гузарлари, замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган қишлоқ врачлик пунктлари қишлоқлар чиройини очиб юборди.**

# ЭЗГУ ИШЛАР
## Наврўз кунлари янада ёрқин намоён бўлмоқда

Юртбошимиз ташаббуси билан қишлоқ жойларда намунавий лойиҳа асосида қурилаётган замонавий турар-жой бинолари барчанинг ҳавасини келтирмоқда. Узоқ муддатга ва имтиёзли кредит асосида берилаётган бундай уйларга талаб катта.

Кейинги йилларда туманимизда юз бераётган ўзгаришларни кўриб, ич-ичимдан суюнаман. Қаранг, бу йил йирик ишлаб чиқариш мажмуаси барпо этилади, демак юзлаб янги иш ўринлари очилади, қадим Қалъачиқ қалъаси халқаро сайёҳлик йўналишига киритилади, шунингдек, ёпиқ сузиш иншооти ишга туширилади. Бу, шуниси билан эътиборга моликки, ҳар бир ўзгариш биз униб-ўсган жойга кўрк ва ободлик, дилларга эса қувонч бағишлайди.



Туман аҳли бу йилги Наврўз айёмини ҳам катта қувонч билан қарши олаяпти. Шу муносабат билан кам таъминланган оилалардан, электорат вакилларидан хабар олиниб, уларга моддий ва маънавий кўмак берилмоқда. Халқимизга хос бундай эзгу фазилатлар, Наврўз байрами кунлари янада ёрқин намоён бўлмоқда.

**Ҳакимбой ХУДОЙНАЗАРОВ,**
**Халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгаши депутати, ЎзХДП фаоли.**

Мутахассис маслаҳати

# БАҲОР ТАОМЛАРИ



**Баҳор фаслида турли хил ошкўклардан, она табиатнинг бебаҳо туҳфаси бўлган ёввойи кўкатлар — ялпиз, нана, жағ-жағ, отқулоқ, исмалоқлардан сомса, чучвара, манти ва хоним каби таомлар тайёрлаб, истеъмол қилиш кони фойдадир. Бундай таомлар аҳоли ўртасида баҳорда кузатиладиган гиповитаминоз — дармонсизлик, камқувватлик касаллигини йўқотишда катта самара беради. Ошкўклар таркибида саломатлик учун зарур бўлган турли витаминлар, микроэлементлар, биологик фаол моддалар кўп. Улар, айниқса, аскорбин кислотасига, Bt> B-PP, P, K витаминларига ва каротинларга бой.**

Табиатимизда ёввойи ҳолда кенг тарқалган ошкўклар ўз таркибидаги витаминларнинг миқдори ва сифати жиҳатидан маданий ошкўклардан қолишмайди. Илмий кузатишлардан маълумки, эрта баҳордаги юқори намлик, тоза ҳаво ёввойи ошкўклар таркибида одам организми учун зарур витаминларнинг кўп йиғилишига сабаб бўлади. Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, ошкўклар таркибидаги аскорбин кислотасининг миқдори эрта тонгдан то тушга қадар ортиб бориб, сўнгра пасаяди.

Организмнинг турли хил касалликларга қарши курашиш қобилиятини оширувчи, кўзнинг кўриш қобилиятини яхшиловчи каротин моддаси эса ўсимликлар таркибида куннинг иккинчи ярмида кўпроқ йиғилади. Бунда қуёш нурининг таъсири катта бўлади.

Ошкўкларни майда қилиб тўғраб, ёғда қовуриб пиширилса, улардаги каротин яхши ажралиб, кўпроқ фойда келтиради.

Наврўзда маҳаллаларда тайёрланадиган сумалак қувват дорининг ўзгинаси десак, муболаға бўлмайди. Чунки ўстирилган буғдой донидан тайёрланган сумалак таркибида жуда ҳам фойдали Е витамини ғоятда кўп. Шунинг учун сумалак баҳордаги қувватсизликнинг олдини олиш чораларидан бири эканини унутманг.

**Абдуваҳҳоб ТОҲИРИЙ,**
**Тошкент врачлар малакасини ошириш институти катта ўқитувчиси.**

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари акцияси:

# «ҲАР ГЎДАКНИ МЎЪЖИЗА ДЕБ БИЛИНГ, ҚУТҚАРИШИ МУМКИН ДУНЁНИ!»

*Наврўз байрами арафасида Олмазор тумани 106-сонли заиф эшитувчи болалар махсус мактаб-интернатида таҳририятимизнинг навбатдаги акцияси бўлиб ўтди*

**Мазкур мактаб-интернат ўқувчиси Дилмурод Орипов стол тенниси мусобақаларида муваффақиятли иштирок этиб келаётганини муаллимлар бизга фахр-ифтихор билан айтишди. Май ойида у Жанубий Кореяда ташкиллаштириладиган, Лондонда бўладиган паролимпия ўйинларига йўлланма берувчи мусобақада иштирок этади. Ҳа, бу масканда ўқиётган болалар ичида яна кўплаб танлов ғолиблари, спорт мусобақалари чемпионлари бор. Айни пайтда мазкур ўқув муассасасида 351 нафар ўғил-қиз таълим олмоқда. Уларнинг 22 нафари мактабгача таълим, яъни тайёрлов бўлимида тарбияланмоқда. Бу ерда 11 та фан ва 7 та спорт тўгараклари фаолият юритади. Уларга 274 нафардан ортиқ ўқувчи жалб қилинган.**









Шавкат АКРОМОВ олган суратлар.

***Фаррух ҲАМРОЕВ, «Ўзбекистон овози» газетаси бош муҳаррири биринчи ўринбосари:***

— Азиз болажонлар! Ҳаммангизни Наврўз байрами билан таҳририятимиз жамоаси номидан табриклайман. Аввало соғ бўлинглар, яхши ўқинглар. Ватанимизга муносиб фарзандлар бўлиб улғайишингизни истаймиз.

Мен мана шу даргоҳда ишлаётган ўқитувчиларга, тарбиячиларга ўзимнинг миннатдорчилигимни билдираман. Улар сизларнинг аъло ўқишингиз, яхши инсон бўлиб улғайишингиз учун ғамхўрлик кўрсатмоқда.

Газеталаримизнинг акцияси қисқа вақт ичида пойтахтдан ташқари Қўқонда, Андижонда бўлиб ўтди. Юртимизнинг бошқа вилоятларида ҳам уни давом эттириш ниятидамиз.

Жаҳонга машҳур Пеле катта футбол билан хайрлашаётганида «Болаларни севинг!» дея йиғлаб юборган экан. Биз ҳам сизларни севамиз, халқимиз ва Ватанимиз фахрланадиган фарзандлар бўлиб вояга етишингизни орзу қиламиз.

***Мухтабар АЛИМТАЕВА, мактаб-интернат директори, ЎзХДП фаоли:***

— Ҳурматли меҳмонлар, азиз болажонлар! Бугун бизнинг оиламизда жуда ҳам чиройли тантана бўлиб ўтяпти. Шу ўринда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг нашри бўлган «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари таҳририятига раҳмат айтмоқчиман. Бу тадбир номига ўтказилаётгани йўқ. Бу тадбир меҳрга, ғамхўрликка йўғрилган. Бу ерга келганлар сиз, азиз болажонларни Наврўз байрами билан табриклаш, совға-салом ва ширинликлар улашиш учун атайлаб келишган. Аслида азалдан Наврўз байрамида мана шундай эзгу ишлар қилинган.

***Жасур ҲУСАНОВ, шоир:***

— Мен ҳозир болаларни кўриб мактабда ўқиган даврим ёдимга тушди. Сизлар учун яратилган шароитга ҳавасим келди. Билимли, сизларни чин дилдан ардоқлаётган ўқитувчиларга ҳавасим келди.

Ишончим комил, келажакда орангиздан кимдир Адиз акасидек актёр бўлар, Каниза опасидек хонанда, Мурод акасидек саховатли тадбиркор бўлар ёки устозларингиз каби ўқитувчи бўлар.

Мен мактабларингиз кутубхонасига яқинда чоп этилган «Кўзларга қайтиш» номли китобимдан олиб келдим...

***Рашид МУҲИДДИНОВ, ЎзХДП Олмазор туман кенгаши раиси ўринбосари:***

— Авваламбор ушбу мактаб-интернатда жуда ҳам аҳил жамоа шаклланганини алоҳида қайд этиш зарур. Улар ўз касбининг ҳақиқий фидойилари. Мактабда фаолият кўрсатаётган ўқитувчи-мураббийларнинг йигирмага яқини ЎзХДП аъзоларидир. Бу даргоҳда биз жуда кўп тадбирлар уюштирганмиз. Келажакда ҳам ҳамкорлигимизни давом эттирамиз.

***Адиз РАЖАБОВ, актёр:***

— Мен ушбу акцияда учинчи бор қатнашяпман. Ҳар сафар таклиф қилишганида қувониб кетаман. Болалар шодлигига шерик бўлиш, таъбир жоиз бўлса, сабабчи бўлиш одамга завқ бағишлайди. Кўнгилдаги занглами кеткизади. Қани энди иложи бўлса, ҳар куни болалар даврасида бўлсанг. Уларга қўшилиб ўйнаш, кулиш мен учун бахт.

***Мурод МАДРАҲИМОВ, тадбиркор:***

— Ота-онам оддий одамлар. Мана икки йилдан буён ўтказиб келаётган акцияларимиздан энг аввал улар қувонишади. Ўзимга айтишмаса-да қилаётган ишларимиздан фахрланишларини биламан. Улар ҳар сафар менга навбатдаги тадбир қачон бўлади, деган саволни беришади ва бизнинг ҳиссамиз дея пенсияларидан улуш қўшишади. Биласизми, мана шундай пайтларда ҳаяжондан кўзимга ёш қалқади. Қаранг, хайрли, яхши ишларга ҳамманинг кўмак бергиси келади. Шу ўринда Президентимизнинг **Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар куни қилиш керак,** деган сўзлари ёдимга тушади. Келажакда таҳририят билан яна бир қатор лойиҳаларни амалга оширамиз.

***КАНИЗА, «Ниҳол» мукофоти совриндори:***

— Кўзимиз кўради, қулоғимиз эшитади. Ёнимизда яқинларимиз бор. Демак биз тўла маънода бахтли одамлармиз. Бу ҳаётнинг бир томони. Лекин иккинчи томонида кўнгли ўксик, бизнинг меҳримизга, ғамхўрлигимизга муҳтож, эҳтиёжмандлар ҳам борлигини унутмайлик. Айнан мана шуларга меҳр, қувонч, шодлик улашиб яшайлик. Мен жуда кўп давраларда, тадбирларда, тўйларда қўшиқ куйлайман. Лекин энг дилдан куйланган қўшиқ бу болаларга аталган қўшиқлардир. Бу ерда ҳукуматимиз томонидан яратилган шарт-шароитларни кўриб, кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Мактабда фаолият юритаётган рақс дастаси иштирокчиларининг чиқишлари ҳамма қатори мени ҳам ҳайратлантирди. Ушбу мактабда ажойиб санъатсевар болалар таълим-тарбия олаётганига амин бўлдик.

***Мухтор ЖУМАБОЕВ, мактаб-интернат ўқувчиси:***

— Спортнинг стол тенниси турини яхши кўраман. Дилмурод акамга ўхшаб спортчи бўлмоқчиман. Бугун бизга ракеткалар совға қилишганида қувониб кетдим. Энди фақат шу ракеткада теннис ўйнаймиз.

***Орзигул ХУДОЙМУРОДОВА, мактаб-интернат ўқувчиси:***

— Бугун ўтказилган тадбир бизга жуда ҳам ёқди. Дўстларим билан маза қилиб рақс тушдик. Бунақа байрамлар мактабимизда яна кўп бўлишини хоҳлайман. Бугунги байрамимизга таниқли актёр ва санъаткорлар келгани, улар билан бирга суратга тушганимиздан хурсанд бўлдик...

**Меҳрнинг ранги бўлмайди. Меҳр шаффофлик. Шунинг учун ҳам уни кўриш шарт эмас. Меҳрни товуши йўқ. Эшитиш ҳам талаб этилмайди. Меҳрнинг тафти бўлади. У юракларга ором бағишлайди. Меҳр ҳис этилади. Унинг нурларидан баҳраманд бўлинади. Сенга таъзим меҳр.**

**Темур АЪЗАМ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**



Талабалар сайли

# ЯШНАДИ КЎНГИЛ БИРЛА ОЛАМ

**Бизни тарк этгиси келмаган қишнинг ёмғирли ва қорли кунлар аёзи баҳорнинг илиқ, майин ва мусаффо нафасига дош беролмай чекинди... Эндигина ниш урган майса қуёш нуридан жонланиб, бўй чўзаётган шу ажиб кунларда университетимизнинг Талабалар шаҳарчаси ҳовлисида дошқозонлар қайнади. «Сумалак сайллари» устоз-шогирдларни бир-бирига меҳрини янада оширди. Дошқозон атрофида айтилган лапарлар оҳанрабосида тайёрланган сумалаклардан татиб кўрмаганлар армонда қолганига шубҳа йўқ. Бироқ «Ёшлик»да баҳорнинг кутиб олиниши «шугинами», деб ўйласангиз озгина янглишасиз.**





Саҳардан янграган карнай-сурнай садолари бутун шаҳарчамизга Наврўз кириб келаётганидан дарак берди. Байрамона безатилган майдончаларга талабалар қувончу завқи сиғмай кетди. Куй-қўшиқлар шеърхонлик авж олди.

— Ҳар йили Наврўз айёмини университетимизда ўзига хос, ёшларимизга мос тарзда ўтказамиз. Республикамиздаги вилоятлар ва Қорақалпоғистон республикасининг удумлари сиз талабалар томонидан намойиш этилади, — деди университетимиз маънавий-маърифий ишлар бўйича ректор ўринбосари Қаҳрамон Қуранбоев. — Бу ўз навбатида сиз, азиз талабаларга халқимизнинг Наврўз билан боғлиқ қадимий урф-одатлари, миллий қадриятларимиз ҳақида кенг тушунча беради, қалбингизда она юртга бўлган муҳаббат туйғусини улғайтиради.

Чиндан ҳам университетимизга қарашли талабалар турар-жойларининг атрофларида барча вилоятларнинг тимсолини кўргандек бўлдик. Талабаларимиз тайёрлаган бадиий чиқишларида вилоятларнинг ўзига хос урф-одатлари, миллий ўйинлари, тўй маросимлари маҳорат билан намойиш этилди.

— Бизнинг ўзбек филологияси факультетига Сурхондарё вилоятининг анъана ва урф-одатларини кўрсатиш имконияти берилганди. Ўтов тайёрладик. Миллий мусиқаларни ўргандик. «Бойсун баҳори»нинг ўзига хос жиҳатларини таҳлил қилдик. Халқ оғзаки ижодининг энг гўзал кўриниши ҳисобланган «Алпомиш» достонидан парчалар саҳналаштирдик, — дейди қувонч билан 2-босқич талабаси Наима Усанова. — Сурхондарё миллий кураши ва чиллак ўйинларини ҳам намойиш этдик...

— «Баҳорий таомлар», «Гуллар сайли», «Деворий газеталар» каби йўналишлар бўйича ҳам факультетлар талабалари ўзларининг салоҳият ва иқтидорларини намойиш этди, — деди университет «Камолот» ЁИҲ кенгаши раиси Шавкат Мавлонов. — Самарқанд вилоятининг қирқга яқин миллий таомларини тайёрлаган физика факультети талабалари таомномасидаги тўнтарма, ғилминди, шилпилдоқ, юпқа, қайла, варақи, холваютар, гулхоним, баҳор атиргули, дўлма каби пишириқлар кўпчилик эътиборини тортди.

Ҳали бу ҳам ҳаммаси эмас. Биз бошқа бир «шовқинли» ҳудудга ўтамиз. Эҳ-ҳе... Университетимизга қарашли спорт мажмуасига томошабин сиғмайди. Факультетлар ўртасидаги волейбол, баскетбол, футбол, кураш, шашка, шоҳмот, тош кўтариш бўйича ўзаро рақобатлар кетаяпти. Қизғин беллашувлардан сўнг ғолиблар аниқланди, тақдирланди...

Ҳа, ана шундай лаҳзаларда ёшликнинг, талабаликнинг олтин давр эканини юрак-юракдан ҳис этасан. Яратилган имкониятлар, биз ёшларга кўрсатилаётган эътибордан шодланасан, ғурурланасан. Шу азиз Ватанга муносиб фарзанд бўлиш ҳақида ўйлайсан...

**Гулчеҳра АШУРОВА,**
**ЎзМУ ўзбек филологияси факультети 2-босқич талабаси.**

# ЗАМОННИНГ БИРИНЧИ КУНИ

**Абу Райҳон Беруний ўзининг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида Наврўз ҳақида шундай дейди: «Наврўз фариштаалар улуғлаган кундир, чунки улар шу кунда яратилганлар, уни пайғамбарлар ҳам улуғ тутганлар, чунки Қуёш шу кунда яратилган ва уни подшоҳлар ҳам улуғлаган, чунки у замоннинг биринчи кунидир».**

Дарҳақиқат, Наврўз аждодларимиз азалдан эъзозлаб келган кун. Ҳар йили қиш кетиб, Наврўз кириб келиши, табиат уйғониши билан одамлар кўнгли ҳам равшанлашиб, янги орзу ниятларга бел боғлайди. Баҳор, Наврўз уларга куч-қувват бағишлайди. Бу байрамнинг бошқалардан ажратиб турадиган ва файзига файз қўшадиган жиҳатларидан бири у билан боғлиқ удумлар, маросимларнинг кўплигида. Жумладан, қадим-қадимда ҳам диёримизда Наврўз арафасида бетакрор қадриятларимизни ўзида мужассам этган халқ ўйинлари, турли спорт мусобақалари ўтказиш анъанага айланган. Бу кунда дорбозлар, полвонлар, ўз маҳоратларини намойиш этишган. Бугун бу эзгу анъаналар кўтаринки руҳда давом этмоқда.

Ҳар галгидек, бу йил ҳам Наврўз муносабати билан кафедрамиз томонидан спортнинг бир нечта турлари бўйича беллашувлар уюштирилди. Уларда институтимиз талаба-ёшлари ўз имкониятларини яна бир бор синовдан ўтказишди. Иштирокчилар сони аввалги йиллардагига нисбатан сезиларли даражада кўпайгани бу мусобақалар нуфузини янада оширди. Унинг якунида ғолиб ва совриндорларга ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

**Дилором МАМИРОВА,**
**Тошкент давлат маданият институти «Жисмоний тарбия» кафедраси катта ўқитувчиси.**

# ЙИЛ БОШИ ТАДБИРЛАРИ

**Қашқадарёда бу йил қиш анча чўзилди, аммо шунга қарамай, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари эрта бошланди ва ҳар қачонгидан авж олди. Йил боши катта ҳозирлик билан кутиб олинди.**

Вилоятнинг асосий Наврўз байрами Қарши шаҳридаги амфитеатрда ўтказилди. Байрам дастурига ижодий ёндашилгани, қадимий анъаналар замонавийлик билан уйғунлашиб кетгани яққол сезилди. Вилоят ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Туробжон Жўраев ҳаммани байрам билан муборакбод этар экан, Наврўздан Наврўзгача эришилган ютуқлар ва келгуси режаларга тўхталди. Мустаҳкам оила йилида 870 та ёш оила замонавий уй-жой билан таъминланади. Айни пайтда, Қарши шаҳрининг марказий қисми — «Ўзбекистон» кўчасининг икки томонида биринчи қавати савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаларидан иборат 10 та кўп қаватли замонавий уй бунёд этилмоқда.

Меҳр-оқибат, хайр-саховат кўрсатиш Наврўз айёмининг қадимий қадриятларидан. Вилоятда кам таъминланган оилаларга, куч-қувватдан қолган қарияларга мадад бериш мақсадида халқ таълими, тиббиёт ходимлари, маҳалла фаоллари ва ёшлар вакилларидан иборат ғамхўрлик гуруҳлари ташкил этилган. Масалан, Қарши шаҳрида 60 дан ортиқ ана шундай гуруҳ фаолият кўрсатмоқда. Улар томорқа-участкаларга ишлов бериш, баҳорги экин экиш, ҳовлиларни тартибга келтиришда ёрдамга муҳтож кишиларнинг оғирини енгил қилмоқда.

Наврўз шодиёналарига ранг-баранг тадбирлар билан бирга, ҳомийлар ёрдамида ўтказилаётган тўйлар ҳам алоҳида мазмун бағишламоқда. Қарийб 200 та ана шундай тўй ўтказиш кўзда тутилган. Бундан ташқари, кам таъминланган оилаларга қорамол ва паррандалар берилмоқда. Ҳозирга қадар ҳомийлар ҳиммати билан 386 оила қорамол, 1334 оила парранда билан таъминланди.

**Мақсуд ҲАМРОЕВ,**
**журналист.**

Реклама ва эълонлар















Реклама


«Сам Рос Холод»
Ўзбекистон - Россия қўшма корхонаси
"SAM ROS XOLOD"
Ўзбекистон халқини,
Наврўзи олам билан қутлайди.


«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТКга тизимидаги
САМАРҚАНД ТЕМИР ЙЎЛ МАСОФАСИ
давлат корхонаси жамоаси
«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК муҳандис-техник ходимлари, юртимиз меҳмонларини баҳор байрами, йил боши — НАВРЎЗИ ОЛАМ билан қутлайди!
SAMARQAND
VOKZAL
SAMARQAND
Наврўз муборак, азиз ҳамюртлар!

Реклама


«ЎЗПАХТАСАНОАТ»
уюшмаси жамоаси
юртдошларимизни янгиланиш, яшариш, гўзаллик ва
нафосат байрами — НАВРЎЗИ ОЛАМ билан табриклайди!
Янги кун хонадонларимизга тўкин-сочинлик, қут-барака,
бахт ва омад, фаровонлик олиб келсин.
Халқимизга хос бўлган меҳр-мурувват ва оқибат
ҳеч биримизни асло тарк этмасин!
ЯНГИ КУН БАРЧАМИЗГА
ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, АЗИЗЛАР!


Хоразм вилоят
«УРГАНЧ ШАРОБ» ОАЖ
жамоаси
ҳамюртларимизни
уйғониш ва
янгиланиш
айёми —
Наврўзи
олам
билан
қутлайди!
Қалбларимизда
эзгулик, шодлик,
шукроналик
туйғулари
бардавом
бўлсин.


Carlsberg
Uzbekistan
Carlsberg Uzbekistan Ўзбекистон халқини
эзгулик ва гўзаллик байрами — Наврўз билан
муборакбод этади!
Сизга ва яқинларингизга бахт ва
саодат тилайди.
Наврўзи олам
муборак!







Реклама ва эълонлар



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ**

*халқаро тўлов тизимларининг пластик карточкаларини чиқариш учун мўлжалланган 3 дона эмбоссерни дастурий таъминоти ҳамда шифрлаш аппарат модуллари билан бирга сотиб олиш бўйича*

## ОЧИҚ ТАНЛОВ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Қизиқиш билдирган ускуна етказиб берувчилардан танловда қатнашиш учун буюртманомаларни 2012 йил 23 апрелгача қуйидаги манзил бўйича тақдим этишларини сўраймиз:

***Ўзбекистон, 100084, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 101.
Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки.
Пул муомаласи департаменти.***

***Телефон:*** *235-56-09, 234-02-61,*
***факс:*** *235-09-22.*

***e-mail:***
**osokolskaya@central.nbu/com** ёки **enam@central.nbu/com.**

Буюртманома шаклини олиш ва танлов шартлари билан танишиш учун ҳам юқоридаги манзилга мурожаат қилиш мумкин.

***Алоқада бўлувчи шахслар —***
**Соколовская Олеся Сергеевна, Нам Евгений Платонович.**




**MUASSIS:**
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

**TAHRIR HAY'ATI:**
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

**BO'LIMLAR:**
Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80;
Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

**MANZILIMIZ:**
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

*Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.*

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 4 bosma taboq.

**Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.**
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 346
*19850 nusxada bosildi.*

*t — Tijorat materiallari*
O'zA yakuni — 20.30
Topshirilgan vaqti — 21.00

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:
Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5